

Фурқат туманида ерга чигит қадалди

Баҳор фасли кириб келиши биланоқ, дәхқон ва фермерларимиз жорий йил ҳосилига замин яратиш мақсадида дала юмушларини янада жонлантириб, әкиш мавсумига тайёргарликни бошлаб юборғанлар.

Экиш агрегатлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга аллақачон шай қилиб қўйган фермерлар ва соҳа ходимлари шу кунларда муҳим агротехник компания – чигит экишни оммавий тарзда бошлашга киришмоқдалар.

Бугун, 15 март куни Фурқат туманидаги “Чавондоз” фермер хўжалиги даласида чигит экиш мавсумини бошлашга бағишлиланган кўргазмали-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда фермер хўжаликлари раҳбарлари, кластер ходимлари, қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилот ва корхоналар раҳбар ва ходимлари иштирок этдилар.

Даставвал, семинар қатнашчилари ерларни экишга тайёрлаш, ўғитлаш жараёнлари, экиш сеялкалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳолати, имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

Семинарда сўз олганлар кластер билан фермерлар ҳамкорлигини яхшилаш, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини имкон қадар арzonлаштириш, таъминотни яхшилаш, фермерларнинг оворагарчилигини камайтириш, маҳсулот таннахини камайтириш ва даромадни кўпайтириш, бевосита далада меҳнат қилаётган дәхқонларнинг манфаатдорлигини ошириш масалаларига батафсил тўхтадилар.

Семинар сўнгидаги қишлоқ хўжалиги фахрийлари томонидан бўлғуси ҳосилга барака тиланиб, дуо қилинди.

Маълумот ўрнида: Жорий йилда Фурқат туманидаги 198 та фермер хўжаликлирида 5200 гектар майдонга “С-8209”, “Андижон-35” навли пахта уруғи экиласди. Экиш мавсумида жами 30 та, шундан 22 та юқори унумли, 8 та оддий, шундан 10 та янги моделдаги ўғитлаб экисиц сеялкалари ишлатилади. Экиш олдидан ҳар гектар майдонга 300 килограммдан фосфорли ўғит, етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг захираси яратилган.

2023-03-15 21:19:43